

ЦЕНУРОЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ ВАКЦИНА БИЛАН ЭМЛАНГАН ҚЎЗИЛАРНИНГ ҚОНИДА ИММУНОГЕН КЎРСАТКИЧЛАР

Ғазнақулов Т.Қ. – ЎзВТИ докторанти

Мустақил Жумҳуриятимиз ҳалқини чорвачилик маҳсулотлари (гушт, ер, сут) ҳамда саноатни хом ашё билан тула таъминлаш нафақат чорва маҳсулдорлигини ошириш билан, балким туёқ сонини купаптириш билан эришилади. Бироқ, бу масалани ижобий ҳал этишда гельминтоз касалликлари ҳам маълум даражада тускинлик қилаётир. Жумладан, қўзиларнинг ценуроз касаллиги Жумҳуриятимизда кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, ҳар иили бу касаллик оқибатида олинаётган қўзиларнинг 8–10 фоизи нобуд бўлмоқда.

Касалликнинг олдини олиш борасида ўзбек гельминтолог олимлари маълум даражада ютуққа эришдилар. Жумладан, ЎзВТИ гельминтозооноз лабораториясида Жумҳуриятда биринчи бўлиб ценуроз касаллигига қарши вакцина ишлаб чиқилди. Вакцина бир-неча ииллардан бери амалиётда синовдан ўтказилмоқда. Лаборатория шароитида вакцинанинг иммуногенлик хусусиятларини аниқлаш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Навбатдаги тажриба 20 бош 3–4 ойлик қорақул зотли қўзиларда ўтказилди.

Тажрибанинг асосий мақсади "эчки" штамми билан таиерланган вакцинани "қўи" штаммидан таиерланган вакцина билан таққослаб иммуногенлик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тажрибадаги қўзилар 5 бошдан 4 гуруҳга ажратилди:

I-гуруҳдаги қўзиларда "эчки" штаммидан таиерланган вакцина I, 0 млдан гушт орасига юбориб эмланди.

II-гуруҳ қўзиларни "қўи" штаммидан таиерланган вакцина билан ишловдан ўтказилди.

III-гуруҳдаги қўзиларга вакцина юборилмади, улар назорат сифатида фойдаланилди.

IV-гуруҳдаги қўзилар эса соғлом назорат гуруҳи ҳисобланади.

Биринчи уч гуруҳдаги қўзилар эмланишдан бир ой ўтгач 2000 донa мультисепс онкосфераси билан зарарлантирилди.

Тажрибадаги қўзилардан эмлашдан олдин 3 маротаба, эмлашнинг 10, 20 ва 30-чи кунлари, ҳамда зарарлантиришдан 10, 20, 30, 45 ва 60-чи кунларида қон олиниб, қон зардобдаги иммуноген кўрсаткичлар: Т ва В-лимфоцитларнинг миқдорлари ва Т-лимфоцитларнинг субпопуляцияси аниқланди.

Иммуноген кўрсаткичларни текшириш натижалари № I жадвалда келтирилган.

Ценурос касаллигига карши эмланган кўзиларнинг конида иммуноген курсаткичларнинг

текшириш натижалари

Тажриба курсагкичлар	Текшириш кунлари									
	1-кун	2-кун	3-кун	4-кун	5-кун	6-кун	7-кун	8-кун	9-кун	10-кун
I. Т-лимфоцитлар	38,1	52,7	56,3	51,5	60,0	62,5	61,6	63,3		
В-лимфоцитлар	16,4	21,6	21,8	20,5	25,5	22,8	28,8	28,1		
Т-хелперлар (контроль)	48,1	58,9	52,6	53,8	46,9	42,6	59,9	53,6		
Т-хелперлар	20,4	38,9	37,4	36,0	34,5	30,5	23,5	13,9		
Т-супрессорлар	27,7	22,0	16,2	18,8	12,8	12,0	36,5	47,3		
II. Т-лимфоцитлар	38,1	52,1	49,2	49,8	54,2	63,4	63,5	64,5		
В-лимфоцитлар	17,1	21,7	18,0	21,0	16,8	19,5	17,6	25,7		
Т-хелперлар	19,6	35,8	38,2	36,5	35,8	28,9	13,3	22,0		
контроль	49,7	58,7	50,6	51,7	47,1	41,0	60,1	60,1		
Т-супрессорлар	28,3	22,9	12,9	14,5	11,3	12,0	46,4	38,0		
III. Т-лимфоцитлар	38,4	45,2	46,8	45,8	43,8	48,5	39,3	40,6		
В-лимфоцитлар	17,3	17,0	16,0	18,0	13,0	14,5	12,0	11,0		
Т-хелперлар	20,6	22,6	30,4	30,8	30,0	22,0	24,0	17,0		
- контроль	49,1	46,8	51,2	54,2	51,7	40,0	54,6	61,3		
Т-супрессорлар	28,5	24,0	17,0	24,0	21,7	18,0	30,6	44,3		
IV. Т-лимфоцитлар	38,6	38,8	39,2	38,5	40,0	39,0	38,3	36,5		
В-лимфоцитлар	16,8	16,2	15,2	17,0	16,2	17,7	16,2	15,5		
Т-хелперлар	20,4	20,0	14,0	17,2	19,5	19,7	20,0	17,0		
- контроль	48,2	48,5	34,8	40,7	42,2	43,4	42,0	42,5		
Т-супрессорлар	27,8	28,5	20,8	23,7	22,7	23,7	22,0	24,5		

Жадвалдан кўриниб турибдики, Т-лимфоцитларнинг миқдори эмланган олдин 38,1-38,6 җоизни, В-лимфоцитларнинг миқдори эса 16,4-17,3 җоизни, Т-хелперлар 19,6-20,6 җоизни, Т-супрессорлар 27,7-28,5 җоизни ташкил қилди.

Кўзиларни эмлангандан кейин 30 кун утгач: "эчки" штамми билан эмланган кўзиларда Т-лимфоцитларнинг миқдори 56,3 җоизни, В-лимфоцитларнинг миқдори 21,8 җоизни, Т-хелперлар 37,4 җоизни, Т-супрессорлар эса 16,2 җоизни ташкил қилган бўлса, "қўй" штамми билан эмланган қўиларда бу кўрсаткичлар мос равишда 49,2; 18,0; 38,2 ва 12,9 җоизни ташкил қилди.

Назорат гуруҳидаги кўзиларда эса бу кўрсаткичлар диярли ўзгаришларсиз бир миерда сақланиб қолганлиги аниқланди.

Кўзиларни зарарлантирилгандан кейин эса Т ва В-лимфоцитларнинг миқдори тажрибадаги кўзиларда текширишнинг охириги кунигача купайиб бориши кўзатилди. Т-хелперларнинг миқдори эса зарарлантиришнинг 30-чи кунигача купайиб, сўнгра камайиб борди. Т-супрессорлар эса 30-кундан бошлаб купайиб бориши кўзатилди.

Назорат гуруҳидаги кўзиларнинг қонида эса зарарлантиришнинг 30-чи кунда Т-лимфоцитлар миқдори ўзининг энг юқори нуқтасига, яъни 48,5 җоизни ташкил қилганлиги, кейинги текшириш кунларида эса камайиб бориши кўзатилди.

Шундан қилиб, "эчки" штаммидан тайерланган вакцина билан эмланган кўзиларда "қўй" штаммидан тайерланган вакцина билан эмланган кўзиларга нисбатан иммуноген кўрсаткичлар юқори эканлиги аниқланди. Тажрибадан сўнг кўзиларни сўйиб, бош мияси текширувдан ўтказилганида ҳам яна бир бор амин бўлди. "Эчки" штаммидан тайерланган вакцина билан эмланган кўзиларнинг бош миясида бирорта ҳам ценур пуфаги топилмади. Бироқ, "қўй" штамми билан эмланган кўзиларнинг бир бошида бир донга улик петрификат ҳолидаги пуфак топилди.

Назорат гуруҳидаги кўзиларнинг бош мияси текширувдан ўтказилганида эса 1-3 тадан ривожланаётган ценур пуфаклари топилди.

Қўиларни ценуроз касаллигига қарши вакцина ўзининг иммунобиологик хусусиятлари билан юқумли касалликларга қарши вакциналардан қолишмаиди, организм учун хавфсиз ва экологик нуқтаи назардан тоза ҳисобланади.